

Комил Аваз. Огаҳиёна огоҳлик



Маълумки, халқимизнинг

миллий маданияти, маънавияти ва маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, моҳир таржимон, тарихнавис олим, давлат ва сиёсат арбоби Муҳаммад Ризо Эрнӣёзбек ўғли Огаҳий 1909 йилнинг 17 декабрида Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида дунёга келган.

Огаҳий баракали ижод қилган шоир. Унинг йигирма минг мисрадан зиёдроқ назм дурдоналарини ўзида жамлаган “Таъвиз ул-ошиқин” (“Ошиқлари тумори”) девони ишқ аҳлининг севимли китоби бўлиб қолади. Тарихнавис олим сифатида ҳам Огаҳий катта мерос қолдирган улкан илм соҳибидир. Амакиси Мунис ёзиб тугатолмаган “Фирдавс ул иқбол” (“Бахт боғи”) асарининг Муҳаммад Раҳимхон (1806 — 1825) даврида тугатиш билан бирга, у Оллоқулихон даврига оид (1825 — 1842) “Риёз уд-давлат” (“Саодат бўстонлари”), Раҳимлихон даврига оид (1843 — 1846) “Зубдат ут-тавориш” (“Тарихлар сараси”), Муҳаммад Аминхон даврига оид (1846 — 1855) “Жомое ул-воқеоти султоний” (“Султонлик воқеалари тўплами”), Саййид Муҳаммадхон даврига оид (1856 — 1865) “Гулшани давлат” (“Давлат гулшани”) ва Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруз ҳукмронлигининг (1865 — 1873) қарийб 10 йиллик даврини ўз ичига олган “Шоҳиди иқбол” (“Иқбол шоҳиди”) тарихий асарларини яратган.

Огаҳий бадийи ва тарихий асарлар ёзиш билан бирга Шарқ халқлари адабиёти ва тарихи ҳақидаги 20 га яқин нодир асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Булар машҳур тарихчи Мирхонднинг (XV аср) кўп жилдлик “Равзат ус-сафо” (“Поклик боғи”) асарининг — жилдлари, Астрободийнинг “Тарихи Жаҳонкушойи Нодирий” (“Жаҳонни забт этган Нодир тарихи”), Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” (“Ажойиб воқеалар”), Ғиждувонийнинг “Мифтоҳ ут-толибин” (“Илм толибларининг калити”), Ҳиротийнинг Ҳиндистон тарихига оид “Табақоти Акбаршоҳий” (“Акбаршоҳ табақалари”) ва бошқа асарлардир.

Унинг мироблик даврида Хоразмда янги каналлар қазилиб, кўпгина сув иншоотлари қурилган. Полвонёпнинг янги боши — Тошсоқа қурилиши, Кўҳна Урганча янги канал ўтказилиши, Дарёлиқ тўғони, Бўзёп, Шўрахон каналларининг қайта тикланиши Огаҳий фаолияти билан боғлиқ.

Огаҳийнинг ошиқлик лирикаси замирида ҳам, ижтимоий-сиёсий битиклари талқинида ҳам, адабиётимизнинг азалий мавзуси — ишқ, шунингдек, огоҳлик ва маъвиза (панду насиҳат) мавзуси етакчи ўринни эгаллайди. Шоирнинг таҳаллуси ҳам ўзлари айтмиш огоҳлик билан хушмавзундир:

Не тонг огоҳ бўлса Огаҳий
ишқинг сиридин ким,
Онга беҳуда эрмас осмондин
бу лақаб пайдо.

Маърифий огоҳлик ва тўғри насиҳат ўчмас зиё, тинчлик, бахт меърождир. Маоний маъвиза орқали огоҳликка даъват этган, фараҳбахш истиқбол йўлини ёритган алломалар ҳам абадиётга дахлдордирлар. Шу маънода, Огаҳийнинг маърифий огоҳликка даъват этувчи ғазаллари алоҳида ўрин тутати:

Мулку миллатга амин
ўлса агар огоҳлар,
Икки олам обрўйини
ҳосил эткай шоҳлар.

Шоирнинг юқоридаги матлаъ билан бошланадиган машҳур ғазалини таҳлил қилишга жазм этганимда мутафаккир адибимиз Асқад Мухторнинг “Шеърни таҳлил қила бошласалар, ғашимга тегади. Баҳорги соф ҳавонинг кимёвий таркибини ҳам текшириш мумкин. Аммо, ундан кўра, шундай кўкрак тўлатиб нафас олган яхшироқ эмасми”, деган гапи ёдимга тушиб, бир лаҳза ўйга толдим. Лекин бугунги кун ўқувчисига мумтоз адабиётимиз ғазалларини ҳали бери таҳлилсиз тақдим этиб бўлмайди. Кўпинча ўзимиз ҳам бундай асарларни луғат ёрдамисиз шарҳлашга ожизлик қиламиз.

Демак, огоҳлар мулку давлатга, миллатга амин (посбон) бўлса, шоҳлар обрўйини икки олам таъмин этади.

Шоир яна бир байтида шундай дейди:

Қолмоғой амният осори
агар топса ривож,

Шаҳр аро авбошлар,
бебоклар, бeрoҳлар.

Яъни, шаҳарда авбошлар (бебошлар, дайдилар,
саёқлар, безорилар), бебоклар (ҳаёсизлар), бeрoҳлар
(йўлини йўқотганлар) кўпайса, у ерда тинчлик
бўлмайди. Огаҳийнинг оғoҳликка даъваткор битиклари
бугун ҳам долзарб. Унинг фалсафий қарашларида
ҳам, панду насиҳатларида ҳам олам сирларидан,
адабу икром хислатларидан воқифлик бош мезон.

Хилофат истасанг Одам киби
тарки такаббур қил,
Ки мардуди абаддур ушбу бад
хислат била шайтон.

Бу ўринда “хилофат” (ўринбосар) Оллоҳнинг инояти
билан боғлиқ маъно касб этади. Негаки, Қуръони
каримнинг “Бақара” сураси, 30-оятда: “Ва из қола
роббука ли-л-малаикати инний жаъилун фи-л-арзи
халийфаҳ...”, дейилган. Бу Парвардигорнинг
фаришталарга: “Мен ерда Одамни халифа
қилмоқчиман”, дегани. Демак, ҳазрати Одам зурёди
сен ҳам Одам фарзандисан, Оллоҳга муносиб
ўринбосар бўлмоқчи бўлсанг, отанг каби
такаббурликни тарк эт, негаки, ўзининг бад хислати
билан шайтон мардуди абад-абადий рад этилган,
мангу қувғиндадир.

Бу каби ўғитни ҳукмдорга очиқ айтиш учун, шоир
шоҳона амр соҳиби бўлмоғи лозим. Ровийлар, Оллоҳ
таоло қайси юртни саодатманд этмакчи бўлса,
подшосига билим, олиму фазл аҳлига шоҳона амр
беради, деганларидек, шоир журъати замирида
хоннинг адолатли ҳукмдорлиги, яъни хонга панду
насиҳат қиладиган муҳит мавжуд.

Шунинг учун ҳам:

Халойиқ мушқулини қудратинг
еткунча осон эт,
Агар истар эсанг ҳақ
мушқулингни айлағай осон.

Чунки:

Бугун илгингда турғон чоқда
нақдинг хайру ихсон қил,
Ки тонгла нақд бир ён борғуси,
ҳар бир қўлунг бир ён.

Ва:

Амал боғини сарсабз истасанг
ашки надомат тўк,
Ҳақиқатда эрур раҳмат
саҳоби дидаи гирён.

Амал (мансаб) боғининг яшнамоғини истасанг
пушаймонлик кўз ёшини тўк, зеро, гуноҳу
адашишлардан холи бўлмаган ҳар қандай инсон
ҳамиша тавба ва тазарру билан яшамоғи дуруст.
Тангрининг раҳмат саҳоби (булути) оламни қандай
яшнатса, сенинг надоматли кўз ёшларинг амалинг
боғини шундай яшнатади.

Шоир маъвизасининг туб моҳияти, амал боғи
соҳибининг адаб-икромида, унинг покравлигида,
негаки:

Бу ғайратгоҳ сайриға адаб
бирла қадам қўйким,
Неча озода жисми ҳар қадам
остидадур пинҳон.

Малоикдин бийикдур одами
ул шарт бирланким,
Риёзат бирла нахват чиркидин
пок айласа гар жон.

Юқоридаги байт шоир тафаккури қамровининг
мисрама-мисра кенгайиб, мусиқа авжлари янглиғ
юқорилаб боришини кўрсатади. Инсон нахват
(нажосат, разолат) чиркидин (ифлослигидан) риёзат
(машаққат) билан ўзини тийса, жонини ёмон ишлардан
пок этса, яъни биринчи байтда таъкидланганидек,
такаббурликни тарк этса, фариштадан-да буюк бўлади.
Такаббурликни тарк этган комил мўъминга бу олам
хушдиллик жойи эмас:

Не тонг гар мўмини комил эмас
олам аро хушдил,
Ки айшу, роҳату, амну тараб
жойи эмас зиндон.

Аҳли дил, пири комил учун ҳақиқий роҳат, бу авом
тушунчасидаги замин айш-роҳати эмас, балки ундан
юсакроқ роҳат — қалб фароғатидир. Дарҳақиқат,
қалби бой инсон икки дунёда ҳам бойдир.
Огаҳий айтмоқчи зиндон — нафс қулининг маскани
бўлиши билан бирга, хонга айтилаётган маъвиза боис
ўша даврга ишора бўлса ҳам ажаб эмас. Негаки шоир

бир ғазалида: “Оғаҳий ёнглиғ ҳамиша айш ила мағрур
ўлуб, Васл аро мушкил ғами ҳижрон эканни
билмадим”, дейди ва: “Борча авқотимни беҳуда
ўтурдим, гўё Умрнинг бир неча кун меҳмон эканин
билмадим”, дея надомат чекади. Байтнинг яна бир
маъноси ҳам бор, яъни ҳамиша айш ила мағрур бўлиб,
барча авқотини (вақтларини) беҳуда ўтказиб, ғафлат
хилъатига ўралиб қолган инсон гуноҳу адашишга
маҳкум, нодонлик зулматига гирифтор бўлади. Зулмат
эса, зиндон. Васл аро (Оллоҳ васли аро) мушкуллик
ғами ҳижрондир. Бу қомили мўъмин инсонга
тааллуқли.

Демак, вақтинчалик дунёга кўнгил қўйиб яшаган
одамнинг бу оламдан кетгиси келмайди ва ҳар қандай
забунликка (нотавонликка) ҳам чидаб яшайди. Бу
гўзал, ёруғ оламини ўзига зиндон этган одам забун
бўлмаса ким забун, деб надомат чекади Оғаҳий:

Фалак бедодидин, ваҳ,
кимга дод айлайки, оламда
Забун бўлмагон бир кимса
топилмоқ эмас имкон.

Чу бағринг умрлар қон айлабон
лаъл айладинг ҳосил,
Жафо метин кўксинг қилса
чок инжинмоғил, э кон.

Бу байтда ажиб бир ҳикмат бор. Метин — тош
йўнадиган теша. Умр мобайнида бағрингни қон қилиб
лаъл йиғдинг, қонга айланган кўксингни жафо тешаси
чок этса (ёرسа, яраласа) инжилма. Метин зарбасига
чидамоқ даркор. Кўксинг — қондан лаъл чиққани учун
фахрлан, дейди шоир. Дарвоқе, машойихлар ривоят
қилишларича, лаъл, тоғда кўп йиллар мобайнида
сизиб чиққан қизил қонга ўхшаш ширадан ҳосил бўлар
экан.

Бу борада Ҳофиз Шерозий шундай дейди: “Гўянд санг
лаъл шавад дар мақоми сабр, Оре, шавад, валекин ба
хуни жигар шавад.” Яъни дерларки, тош сабр
мақомида лаъл бўлади. Табиий тош эса, жигар қони
билан, кўп риёзат ва машаққатлар билан лаъл бўлади.
Оламнинг бору йўғи кўксида лаъл ҳосил қилган одам
олдида фош бўлади, осойишу қоми-мақсади ушалади.
Қомил инсоннинг насибаси — ниятига етганидир.

Жаҳон осойишу қоми
ул одамнинг насибидур,
Ки оламнинг йўқу бори онинг

Муҳаммадризо Оғаҳий (1809-1894)

олидадур яқсон.

Шу сабабдан шоир маърифат неъматини сўраб
илтижо қилади, муддаоси — илму маърифат орқали
ўзини таниш:

Чу эмастур жаҳоннинг эътибору
иззати боқий,
Насиб эт хаста кўнглумга
илоҳи неъмат ирфон.

Ғазал ниҳоясида Оғаҳий дуога қўл очади ва илк
байтида бошлаган ўғитларига урғу беради:

Дуо қил, Оғаҳий, ул шоҳи
одил жониға ҳар дам,
Ки олам бошиға келди
вужуди сояи субҳон.

Шоирнинг одил шоҳ ҳаққига дуо қилиши бевосита
ҳадисга ишорадир. Чунки ҳадисда шоҳни Оллоҳнинг
ердаги зилуллоҳи (сояси) дейилади.

Қимматли меросга эга XX аср Хоразм адабий
муҳитини Оғаҳийсиз тасаввур қилиш қийин. Ана шу
катта адабиётнинг вориси Оғаҳий ҳазратлари
Феруздек, Қомил Хоразмий, Қомил Девонийдек
забардаст шогирдлар етиштирди, ўзидан катта
адабий-тарихий мерос қолдирди.

Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Оғаҳий 1874 йилнинг
14 декабрида вафот этди. Қабри ўзи туғилган Қиёт
қишлоғининг Шайх Мавлон Бобо қабристонидадир.

Огаҳий (тахаллуси; тўлиқ исм-шарифи Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли) (1809.17.12, Хива яқинидаги Қиёт қишлоғи — 1874.14.12) — шоир, тарихчи, таржимон. Мироб оиласида туғилган. Хива мадрасаларида таҳсил кўрган. Араб, форс, турк тилларини пухта эгаллаган. Хоразмнинг машҳур шоир ва олимлари, адабиёт мухлисларининг суҳбатларида иштирок этган. Шарқ классиклари асарлари, айниқса, Навоий ижодини кунт билан ўрганган. 1829 йилда амакиси ва устози Мунис вафот этгач, Хива хони Оллоқулихон (1825—42) Огаҳийни Муниснинг ўрнига мироб этиб тайинлаган. Шу даврдан эътиборан Огаҳий халқ ҳаёти ва сарой ишлари билан шуғулланган. Қизғин ижтимоий-сиёсий меҳнат билан машғул бир пайтда отдан йиқилиб, оёғи «шакарланг» (шол) бўлиб қолган (1845). 1857 йилдан мироблик вазифасидан истеъфо берган. Умрининг охиригача моддий муҳтож, ғамгин, касалманд аҳволда кун кечирган.

Огаҳий халқ орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машҳур. Умрининг охириги йилларида тузган лирик куллийети — «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори», 1872) бизгача тўла етиб келган. Девон анъанавий тартибда тузилган, 470 ғазал, 3 мустазод, 89 мухаммас, 5 мусаддас, 2 мурабба, 4 мусамман, 4 таржеъбанд, 7 қитъа, 80 рубоий, 10 туюқ, 1 муламма, 4 чистон, 2 муаммо, 4 маснавий, 1 баҳри тавил, 1 муножот, 1 ошиқ ва маъшуқ савол-жавоби, 20 таърих, 19 қасида — жами 18000 мисрадан иборат. Девонга «Ашъори форсий» номи билан Огаҳийнинг форс тилидаги 1300 мисра шеъри ҳам киритилган. Девондаги асарлар мазмун-мундарижаси марказида ишқ мавзуи туради.

Огаҳий ижодининг мавзу доираси кенг. Аммо у қайси мавзуга мурожаат қилмасин, ишқни четлаб ўтолмайди. Ишқ унинг қаламида мавзуни ёритишда, ғояни илгари суришда асосий бадиий восита; шеъриятида ишқ — иймон, эътиқод, ватан, заковат тимсоли каби лирик қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари, фаолияти, дунёқарашини ҳаракатлантирувчи куч. Огаҳий девонида замон ва замондошлари тасвири ҳам катта ўрин эгаллаган. Шоир ўзи яшаб ижод этган мураккаб даврни маҳорат билан бадиий умумлаштирганда, замон ва унинг аҳлига муносабат билдирганда, бақо берганда, инсонпарварлик, халқпарварлик нуқтаи назаридан ёндашган. Огаҳий жанр имкониятларига ижодий ёндашиб, уларни такомиллаштирган: ўзигача бўлган 7—8, 10—12 байтли ғазал ёзиш тартибини 23 байтгача етказган, мустазод жанрининг қўш орттирма мисрали янги шаклини кашф этган:

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул
бир ошиқи ҳайрон,
дийдорига шайдо,
Бир шуйфтадур кокили мушкулинга сумбул
ҳам ҳоли паришон,
ҳам бошида савдо.

Шоир арузнинг жуда кўп баҳрларидан фойдаланган. Унинг ғазаллари «Шашмақом»нинг ҳамма куйларига тушади, Хоразм халқ оҳангларига мос келади.

Огаҳий «Риёз уд-давлат» («Салтанат боғлари», 1844), «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи», 1845—46), «Жомеъ ул-воқеоти султоний» («Султонлик воқеаларини жамловчи», 1857), «Гулшани давлат» («Давлат гулшани», 1865), «Шоҳиди иқбол» («Иқбол гувоҳи», 1872) ва бошқа тарихий асарларида Оллоқулихон, Раҳимқулихон (1843—46), Муҳаммад Аминхон (1846 — 55), Сайид Муҳаммадхон (1856—64), Муҳаммад Раҳим ИИ (1864—1910) ҳукмронлиги даврида Хоразмда яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ халқларининг тарихи, маданий ва ижтимоий ҳаёти, Хива хонлигининг бошқа хонликлар билан муносабати ва бошқа тарихий воқеалар акс этган.

Огаҳийнинг юксак инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ғоялари хон ва шоир Ферузнинг сиёсий-маърифий тарбиясига таъсир қилган. У тарихчи олим сифатида Хива хонларига, йирик тарихий шахсларга бағишлаб қасидалар ёзган. Огаҳийнинг «Қасидаи насиҳат» асари

Ферузга бағишланган. У ўз насиҳатларида салтанатни бошқаришнинг йўл-йўриқларини кўрсатади, мамлакат ва халқни адолат билан идора этиш йўлларини белгилаб беради. Қасида маснавий жанрида ёзилган бўлиб, унда шоирнинг сиёсий-маърифий қарашлари ёрқин акс этган. Огаҳий фикрича, ҳар қандай давлат бошлиғи ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун барча ижобий фазилатларга эга бўлиши лозим. Подшоҳ ҳимматли, шижоатли, адолатли, ғайратли, саховатли, ҳаёли, соф ниятли, маданиятли, ҳамиятли, камбағалпарвар бўлиши зарур. Ҳукмдор шу фазилатларга эга бўлса, унинг ҳокимияти камол топади, мамлакати фаровон бўлади, деган фикрни илгари суради. Огаҳий давлатни бошқаришнинг йўлларини ҳам кўрсатиб ўтган. Шоирнинг фикрича, шоҳ шариат аҳкомларига қаттиқ амал қилмоғи лозим. У айш-ишратдан, фитна ва ғийбатдан, ғафлатдан, ялқовликдан, зулм-разолатдан, чақимчиликдан, молпарастликдан узоқ бўлиши керак. Феруз Огаҳийнинг давлатни бошқариш тўғрисидаги маслаҳатларига қулоқ тутган, унинг ҳикматли байтларини мармар тошларга ёздириб, арзхоналарга қўйдирган, кўп эзгу ишларни амалга оширган. Шу боис ҳам Огаҳий тарихий асарлари бадиий наср сифатида ҳамда 19-аср Хоразм воқелигини ҳаққоний акс эттирувчи нодир тарихий ҳужжатлар сифатида қимматлидир. Огаҳий «Равзат ус-сафо» (Мирхонд), «Тарихи жаҳонкушойи Нодирӣ» (Муҳаммад Маҳдий Астрободӣ), «Бадозъ ул-вақозъ» (З. Восифӣ), «Мифтоҳ ут-толибин» (Маҳмуд бинни Шайх Али Ғиждувонӣ), «Табақоти Акбаршоҳӣ» (Муҳаммад Муқим Ҳиротӣ), «Тазкираи Муқимхонӣ» (Муҳаммад Юсуф Муншӣ), «Равзат ус-сафойи Носирӣ» (Ризоқулихон Ҳидоят), «Ахлоқи Муҳсинӣ» (Кошифӣ), «Қобуснома», «Зубдат ул-ҳикоёт», «Шарҳи далоил ул-ҳайрат» (Муҳаммад Ворис), «Гулистон» (Саъдий), «Юсуф ва Зулайҳо» (Жомӣ), «Шоҳ ва гадо» (Ҳилолий), «Ҳафт пайкар» (Низомӣ) ва бошқа тарихий-бадиий асарларни форс тилидан ўзбекчага таржима қилган. Огаҳий «Ҳафт пайкар»ни насрий йўл билан, «Гулистон»ни қисқартириб, кенг китобхонларга тушунарли қилиб таржима этган. «Юсуф ва Зулайҳо» ҳамда «Шоҳ ва гадо» дostonларини эса байтма-байт таржима қилиб (кириш қисмидан ташқари), аниқ ижодий таржима намунасини яратган. «Мифтоҳ ут-толибин» (инв. ?8473), «Равзат ус-сафойи Носирӣ» (Д-125), «Табақоти Акбаршоҳӣ» (ТНС—106), «Тазкираи Муқимхонӣ» (ТНС—105), «Фирдавс ул-иқбол» (С—571), «Шоҳиди иқбол» (С—572), «Юсуф ва Зулайҳо» (ТНС—117), «Таъвиз ул-ошиқин» асарларининг қўлёзма нусхалари Тошкент, Душанба ва Санкт-Петербургда сақланади. «Зафарнома» (Али Яздӣ), «Баҳористон», «Саломон ва Ибсол» (Жомӣ), «Ҳашт беҳишт» (Хусрав Деҳлавӣ) асарларининг Огаҳий таржимаси ҳанузгача топилмаган.

«Таъвиз ул-ошиқин» Хивада тошбосмада нашр этилган (1905—09). Ўзбекистонда кўчалар, мактаблар, Хоразм вилояти мусиқали драма ва комедия театри, истироҳат боғи ва бошқа муассасаларга Огаҳий номи берилган. Қиёт қишлоғида Огаҳий боғи ташкил этилиб, шоирнинг уй-музеи очилган; музей олдида Огаҳийга ҳайкал ўрнатилган.

Нусрат Жумоев

* * *

Ошиқ ўлдинг,эй кўнгул,жонинг керакмасму санга?
Ўтға кирдинг жисми урёнинг керакмасму санга?

Истабон ул юз тамошасини кўздин дамба-дам,
Қон тўқарсан чашми гирёнинг керакмасму санга?

Ҳардам эткунг орзу кофир кўзи наззорасин,
Қил ҳазарким нақди имонинг керакмасму санга?

Лутфунг этдинг хаста кўнглимдин дариғ, эй шоҳи ҳусн,
Бу гадои зори ҳайронинг керакмасму санга?

Ўзгаларга илтифотинг айладинг махсус, бу
Мустаҳиқ лутфу эҳсонинг керакмасму санга?

Сел ғамдин хонавайрон ўлдиму ёд этмадинг,
Айтким бу хонавайрининг керакмасму санга?

Огаҳий ҳолин кўруб доим тағофил қилғосан,
Шоири донойи давронинг керакмасму санга?

* * *

Мушкин қошингнинг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина.

Қилғил томошо қомати, зебоси бирлан оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод устина.

Нозу адо-ю ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,
Ваҳ, мунча офатму бўлур бир одамизод устина.

Ман хастага жон асрамоқ эмди эрур душворким,
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина.

Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому саҳар,
Булбулдек айлар юз наво минг навъи фарёд устина.

Бошимға ёғгон ғам тоши мингдин бирича бўлмағай,
Гардун агар минг бесутун ёғдурса Фарҳод устина.

Эй шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут ямону яхшини -
Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод устина.

Не журъат ила Огаҳий очғай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зор ношод устина.

* * *

Манга зулм айлаб ул қотил аён оҳиста-оҳиста,
Чекиб тиғини айлар қасди жон оҳиста-оҳиста.

Жафоси зўридин икки кўзимдан оқди дарёлар -
Ки, қолғой остида онинг жаҳон оҳиста-оҳиста.

Улусга айлаган зулмин кўриб ондин ҳазар қилмай,
Келиб чекдим жафосин ман ёмон оҳиста-оҳиста.

Бўлур ҳажрида зиндон гар манинг манзилгаҳим бўлса,
Гулистон балки гулзори жунон оҳиста-оҳиста.

Тўла буржом тут лутф айлаб,эй соқийки, бу ғамдин
Қутулғойман ичиб ман нотавон оҳиста-оҳиста.

Вафо йўқ даҳр боғининг гулига берма кўнглунгни,
Бугун тонгда кетар, эй боғбон, оҳиста-оҳиста.

Эмас гардунда раъд овозиким ҳижрон тун ичра,
Эрур ул Огаҳий чеккан фиғон оҳиста-оҳиста.

* * *

Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини кўринг,
Меҳри жамоли устида икки ҳилолини кўринг.

Икки ҳилолини кўруб қонмаса меҳрингиз агар,
Сафҳайи орази уза нуқтайи холини кўринг.

Нуқтайи холини кўруб сабр эта олмас эрсангиз,
Ҳусну жамоли боғида қадди ниҳолини кўринг.

Қадди ниҳолини кўруб кўнглунгиз этмаса қарор,
Жон кўзи бирла боқибон лаъли зилолини кўринг.

Лаъли зилолини кўруб жонингиз этса изтироб,
Чораи ҳолингиз учун шаҳд мақолини кўринг.

Шаҳд мақолини кўруб топмаса чора ҳолингиз,
Нуктага лаб очар чоғи ғунжу далолини кўринг.

Ғунжу далолини кўруб истасангиз муроди дил,
Огаҳийдек қучуб белин айши камолини кўринг.

* * *

Ваҳ,не балодур билмадим,эй дилрабо,қошу кўзинг -
Ким,бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзинг.

Олди қарору тоқатим оқ сийнаю нозик белинг,
Солди қаро тун бошима икки қаро қошу кўзинг.

Жонимға қўйди доғлар рашк ўтидин холи лабинг,
Кўнглумга еткурди туман дарду бало қошу кўзинг.

Ҳар юз ўликни тиргузур лаълинг аро ширин сўзинг,
Ҳам минг тирикни ўлтурур айлаб жафо қошу кўзинг.

Қошу кўзинг бедодидин дод айласам эрмас ажаб -
Ким, не жафолар қилмади охир манго қошу кўзинг.

Ҳусн аҳли шоҳисен бори ошиқларинг ўлтурғали,
Гўёки жаллоди қилич бўлмиш санго қошу кўзинг.

Ман зори ҳайронинг нечук девона бўлмай, эй пари,
Ким, ақлу ҳушим айлади мenden жудо қошу кўзинг.

Йўқтур манга ишқинг аро юрмоқ тирик имкониким,
Жонимни ё қадди юзунг олғуси, ё қошу кўзинг.

Қошу кўзинг иймисидин бўлди қиёмат ошкор,
Кўёки олам офати қилмиш худо қошу кўзинг.

Эл қатилини қасд айлабон мастона қилғач бир назар,
Солди жаҳонга нолаи ва ҳасрато қошу кўзинг.

Айлай ҳаётим нақдини ҳар дам нисору садқаси,
Ёшурмағил ман зоридин айлаб ҳаё қошу кўзинг.

Мажлис фазосида усул этган чоғи раққос ўлуб,
Бир ғамзада юз жон олур, эй махлиқо, қошу кўзинг.

Ширин лабингдан Огаҳий жисмиға жон берким, они
Ўлтурди бир имо қилиб боққач қиё қошу кўзинг.

* * *

Дарди дилим анго дедим, дема они манго деди,
Ким манга ошиқ ўлса ул лозим эрур анго деди.

Юз уза икки наргисинг ваҳ, не бало қаро дедим,
Кўнглунгу жонинг олғувчи икки қаро бало деди.

Лабларинг оғзума етур жон топайин анго дедим.
Лаъли табассум айлабон йўқму ўлим санго деди.

Ҳуснингга айлайин назар ман сори бир қара дедим,
Ёшурибон юзин кет, эй масхара, беҳаё деди.

Бўса лаби савоб учун айла манга ато дедим,
Қошу қапоғини читиб қўй бу сўзинг хато дедим.

Ваҳ, недин эркон этмогунг ҳеч вафо манго дедим,

Зоҳир ўлубдурур қачон ҳусн элидин вафо деди.

Хаста кўнгулга қилғосан мунча недин жафо дедим,
Дема жафо ани сенинг дардингадур даво деди.

Оғаҳий комини недин айламагунг раво дедим,
Ким топарму жонни ул қилмоғуча фидо деди.

* * *

Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,
Оҳима ҳеч шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳардам улусға лутф ила боқғуси қаҳр ила, вале
Ман сори бир назора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ишқ эли кўнгли дардиға чора қилур, вале менинг
Дарди дилимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳажрида заъфим ўйлаким, оҳи ҳазиним ўтиға,
Шуъла била шарора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Жон лабидин чу бермади жисмима, ваҳки қошидин
Қатлима бир ишора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Кўйига борсам этгуси васлиға ваъда, ул доғи
Бўлғуси бора-бора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Толейи равшан ўзганинг лутфи қуёши нуридин,
Мен киби бахти қора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Бўлди ситораси исиқъ хулқға меҳр ёр қарам,
Манда исиг ситора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Дедим ўлубтур Оғаҳий ашки канорасиз, деди:
Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

* * *

Ваҳки, мандин ёшурун ёр ўзгаларга ёр экан,
Кечалар хилвар аро базми ниҳони бор экан.

Хотиримни зоҳиран юз ваъдадан хушнуд этиб,
Ботинан кўнгли ҳамиша мойили ағёр экан.

Ошкоро тил учи бирла бўлиб мойил манга,
Конгли майли ўзга элга ёшурун бисёр экан.

Дев сийрат муддаийлар сори рағбат кўргузуб,

Мен ҳазину бедилу бечорадин безор экан.

Ҳар кеча ишрат майин нўш айлабон авбош ила,
Тонггача масти шароби соғари саршор экан.

Чун ниҳон ағёр ила базм этмиш ул султони ҳусн,
Фаҳм қилдимким,анга ман хаста қулдин ор экан.

Кўнгли сандин ўзгаларға роғиб ўлмиш,э й кўнгул,
Умрлар ишқида меҳнат чекканинг бекор экан.

Ошиқиким топса ҳосид гар онинг ёриға қурб,
Бу жаҳон ичра тирик юрмак анга душвор экан.

Ёр топмишлар рақибу муддаиилар олида,
Оғаҳий,эмди санга ул кўй аро не бор экан.

АЛИШЕР НАВОИЙГА МУХАММАС

Фалакким яхшилар базмида қадримни баланд этмас,
Дами йўқким ямонлар мажмаида мустаманд этмас,
Бу ҳасратдин кўзим ашки йўлин бир лаҳза банд этмас,
Мани ман истаган ўз суҳбатида аржуманд этмас,
Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Фиғонким даҳру дун ичра рафиқи топмадим оғаҳ,
Қаён борсам бўлурлар гулвашлар ҳамдаму ҳамраҳ,
Тиларлар баҳра мандин, мен тилаб топман биридин, ваҳ,
На баҳра,топғоман ондинки мандин истагай баҳра,
Ўзи ҳам баҳраманд ўлмас,мани ҳам баҳраманд этмас.

Кўзи заҳри эса ҳар нечаким мойил мамотимға,
Лаби шаҳди эди роғиб ўлимдин ҳам нажотимға,
Бу дам восил иймон ул қотили Исо сифотимға,
Нетой ҳуру пари базминки қатлим ё ҳаётимға,
Аён ул заҳр чашм айлаб ниҳон бу нўш ханд этмас.

Чиқо олмай кўнгул ҳайрондур усру шому фурқатдин,
Тўкар ашкини кўз ҳам интизори субҳ васлатдин,
Иложи бўлмаса ул маҳваши хуршид талъатдин,
Керакмас ой ила кун шакликим ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок-чок этмас,танним бу банд-банд этмас.

Бугун чобаклар ичра йўқ эди ул шаҳсуворимким,
Бирини қилмади манзур чашми ашкборимким,
Ғубор осо нетонг гар қолмаса сабру қароримким,
Керак ўз чобаку қотилвашу мажнун шиоримким,
Бузуқ кўнглимдин ўзга ерда жавлон саманд этмас.

Савод зулфини кўргач юмар Огаҳий тун деб кўз,
Юзиға нозир ўлғоч ҳам тутар қўл бирла кун деб кўз,
Кўнгул, ҳайратға қолма кўрмас они не учун кўз,
Ул ой ўтлуғ юзин очса Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра писанд этмас.

РУБОИЙЛАР

1

Зарра учубон найири аъзам бўлмас,
Ер болиш этиб авжи фалак ҳам бўлмас,
Инсон аро нодонни билинг ҳайвондур,
Ҳайвон неча зўр айлса одам бўлмас.

2

Ваҳким, яна зулмини аён этти фалак,
Бағримни ҳажр аро қон этти фалак,
Кўз йўлидин ул қонни равон этти фалак,
Охир манга кўрки қасди этти фалак.

3

Қилмоқ била парвариш тикон гул бўлмас,
Ҳам тарбият ила зоғ булбул бўлмас,
Гар асли ямонға яхшилиқ минг қилсанг,
Яхшилиқ онинг нияти билкул бўлмас.

4

То тушти фироқ ўтиға бемор кўнгул,
Юз дарду ғаму аламға дучор кўнгул,
Даврон ситами тиғидин афгор кўнгул,
Бўлмиш мандин малулу безор кўнгул.

ТУЮҚЛАР

Ogahiy. Devon (G'azallar, muxammas, tuyuqlar va ruboiylar)

Muallif Adib: Muborak kun, O'zbek tarixi, adabiyoti va madaniyati 17.12.2014 izoh yo'q

1

Ғам юки то қоматим ё қилмади,
Оҳим ўтиға фалак ёқилмади,
Қилмади раҳми манга, худ ўзгага,
Билмадимким қилдимۇ ё қилмади.

2

Дўстлар, ҳамроҳлиғ айлаб борингиз,
Тунд хў ёрим қошиға борингиз,
Бир кеча базмимға келтурмоқ учун
Бош оёқиға қўюб ёлборингиз.

3

Дард заҳри солди чинлар қошима,
Келмади ҳолим сўрарға қошима,
Ғам юкин чекмакда, эй дил, чобак ўл,
Ҳаргиз ушбу ишда бошинг қошима.


4

Чехрасининг гарчи муҳрақ нори бор,
Бергуси доим ниҳоли нори бор,
Сигмоғун базмим аро, эй муддаий,
Телмуриб турма бу ерда, нори бор.



Бугун 17 декабрь куни Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудига 205 йил тўлади

Огаҳий умрининг охирги йилларида тузган лирик куллийети — «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори», 1872) бизгача тўла етиб келган. Девон анъанавий тартибда тузилган, 470 ғазал, 3 мустазод, 89 мухаммас, 5 мусаддас, 2 мурабба, 4 мусамман, 4 таржеъбанд, 7 қитъа, 80 рубоий, 10 туюқ, 1 муламма, 4 чистон, 2 муаммо, 4 маснавий, 1 баҳри тавил, 1 муножот, 1 ошиқ ва маъшук савол-жавоби, 20 таърих, 19 қасида — жами 18000 мисрадан иборат. Девонга «Ашъори форсий» номи билан Огаҳийнинг форс тилидаги 1300 мисра шеъри ҳам киритилган. Девондаги асарлар мазмун-мундарижаси марказида ишқ мавзуи туради.



Огаҳий (тахаллуси; тўлиқ исм-шарифи Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли) (1809.17.12, Хива яқинидаги Қиёт қишлоғи — 1874.14.12) — шоир, тарихчи, таржимон. Мироб оиласида туғилган. Хива мадрасаларида таҳсил кўрган. Араб, форс, турк тилларини пухта эгаллаган. Хоразмнинг машҳур шоир ва олимлари, адабиёт мухлисларининг суҳбатларида иштирок этган. Шарқ классиклари асарлари, айниқса, Навоий ижодини кунт билан ўрганган. 1829 йилда амакиси ва устози Мунис вафот этгач, Хива хони Оллоқулихон (1825—42) Огаҳийни Муниснинг ўрнига мироб этиб тайинлаган. Шу даврдан эътиборан Огаҳий халқ ҳаёти ва сарой ишлари билан шуғулланган. Қизгин ижтимоий-сиёсий меҳнат билан машғул бир пайтда

отдан йиқилиб, оёғи «шакарланг» (шол) бўлиб қолган (1845). 1857 йилдан мироблик вазифасидан истеъфо берган. Умрининг охиригача моддий муҳтож, ғамгин, касалманд аҳволда кун кечирган. Огаҳий халқ орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машҳур. Умрининг охириги йилларида тузган лирик куллийти — «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори», 1872) бизгача тўла етиб келган. Девон анъанавий тартибда тузилган, 470 ғазал, 3 мустазод, 89 мухаммас, 5 мусаддас, 2 мурабба, 4 мусамман, 4 таржеъбанд, 7 қитъа, 80 рубоий, 10 туюқ, 1 муламма, 4 чистон, 2 муаммо, 4 маснавий, 1 баҳри тавил, 1 муножот, 1 ошиқ ва маъшуқ савол-жавоби, 20 таърих, 19 қасида — жами 18000 мисрадан иборат. Девонга «Ашъори форсий» номи билан Огаҳийнинг форс тилидаги 1300 мисра шеъри ҳам киритилган. Девондаги асарлар мазмун-мундарижаси марказида ишқ мавзуи туради.

Огаҳий «Риёз уд-давла» («Салтанат боғлари», 1844), «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи», 1845—46), «Ҷомеъ ул-воқеоти султоний» («Султонлик воқеаларини жамловчи», 1857), «Гулшани давлат» («Давлат гулшани», 1865), «Шоҳиди иқбол» («Иқбол гувоҳи», 1872) ва бошқа тарихий асарларида Оллоқулихон, Раҳимқулихон (1843—46), Муҳаммад Аминхон (1846 — 55), Сайид Муҳаммадхон (1856—64), Муҳаммад Раҳим ИИ (1864—1910) ҳукмронлиги даврида Хоразмда яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қozoқ халқларининг тарихи, маданий ва ижтимоий ҳаёти, Хива хонлигининг бошқа хонликлар билан муносабати ва бошқа тарихий воқеалар акс этган.

Огаҳий «Равзат ус-сафо» (Мирхонд), «Тарихи жаҳонкушои Нодирӣ» (Муҳаммад Махдий Астрободӣ), «Бадозъ ул-вақоъъ» (З. Восифӣ), «Мифтоҳ ут-толибин» (Маҳмуд бинни Шайх Али Гиждувонӣ), «Табакоти Акбаршоҳӣ» (Муҳаммад Муқим Ҳиротӣ), «Тазкираи Муқимхонӣ» (Муҳаммад Юсуф Муншӣ), «Равзат ус-сафойи Носирӣ» (Ризоқулихон Ҳидоят), «Ахлоқи Муҳсинӣ» (Кошифӣ), «Қобуснома», «Зубдат ул-ҳикоёт», «Шарҳи далоил ул-ҳайрат» (Муҳаммад Ворис), «Гулистон» (Саъдий), «Юсуф ва Зулайҳо» (Жомӣ), «Шоҳ ва гадо» (Ҳилолий), «Ҳафт пайкар» (Низомӣ) ва бошқа тарихий-бадиӣ асарларни форс тилидан ўзбекчага таржима қилган. Огаҳий «Ҳафт пайкар»ни насрий йўл билан, «Гулистон»ни қисқартириб, кенг китобхонларга тушунарли қилиб таржима этган. «Юсуф ва Зулайҳо» ҳамда «Шоҳ ва гадо» дostonларини эса байтма-байт таржима қилиб (кириш қисмидан ташқари), аниқ ижодий таржима намунасини яратган. «Мифтоҳ ут-толибин» (инв. ?8473), «Равзат ус-сафойи Носирӣ» (Д-125), «Табакоти Акбаршоҳӣ» (ТНС—106), «Тазкираи Муқимхонӣ» (ТНС—105), «Фирдавс ул-иқбол» (С—571), «Шоҳиди иқбол» (С—572), «Юсуф ва Зулайҳо» (ТНС—117), «Таъвиз ул-ошиқин» асарларининг қўлёзма нусхалари Тошкент, Душанба ва Санкт-Петербургда сақланади. «Зафарнома» (Али Яздӣ), «Баҳористон», «Саломон ва Ибсол» (Жомӣ), «Ҳашт беҳишт» (Хусрав Деҳлавӣ) асарларининг Огаҳий таржимаси ҳанузгача топилмаган. «Таъвиз ул-ошиқин» Хивада тошбосмада нашр этилган (1905—09). Ўзбекистонда кўчалар, мактаблар, Хоразм вилояти мусикали драма ва комедия театри, истироҳат боғи ва бошқа муассасаларга Огаҳий номи берилган. Қиёт қишлоғида Огаҳий боғи ташкил этилиб, шоирнинг уй-музейи очилган; музей олдида Огаҳийга ҳайкал ўрнатилган (Нусрат Жумаев маълумоти).



Муҳаммад Ризо Огаҳий ҒАЗАЛЛАР, МУҲАММАСЛАР, РУБОИЙЛАР, ТУЮҚЛАР

ҒАЗАЛЛАР

Бу оқшом маҳвашим рухсори ой бирла талошибдур,
Эмас анжум фалак аҳли очиб кўзлар қарошибдур.

Бир учқундур қуёш ул маҳлиқо рухсори ўтидин,
Шафақ эрмас, фалак домониға ул ўт тудошибдур.

Дема тун зулмати хуршид рухсорин ниҳон этмиш,
Ул ойнинг ишқи савдоси онинг бошидин ошибдур.

Фалак меҳри булутдин юзга чекмиш пардаи мушкин,
Магар боқиб қуёшим юзига кўзи қамошибдур.

Юзида чинмудур ҳар сори тушкан совук оҳимдин,
Бу сарсар бирла, йўқ эрса ғазаб дарёси тошибдур.

Сочи савдосида гар етмасам лаълиға тонг эрмас —
Ки, бу зулмат ичида неча Искандар адошибдур.

Юзига суртубон ғоза, чекибдур қошиға вўсма,
Бу зинатлар онга, ваҳ, не бало усру ярошибдур.

Кўнгул бўл воқиф ул пайваста қошлар ҳайатидинким,
Иков бир-бирга қатлингда эғиб боши кенгошибдур.

Неча кўб деса ҳазён, Огаҳий, ҳар кеча тонг йўқким,
Ул ой савдоси фикри бирла онинг ақли чошибдур.

Олур ҳар лаҳза жон чашми фатонингга салламно,
Тўкар ҳар дамда минг қон тиғи мужгонингга салламно.

Жаҳон бозорида синдурди ёкуту гуҳар қадрини,
Дурафшон нуқта бирла лаъли хандонингга салламно.

Асир айлаб камандиға паришон кўнглум этди жамъ,
Мусалсал ҳалқаи зулфи паришонингға салламно.

Юзингдин заррача партав етишкач тийра кулбамға,
Ёрутди ҳажр шомин меҳр рахшонингға салламно.

Сихи қадларни кумри янглиғ этди ишқида нолон,
Назокат боғида сарви хиромонингға салламно.

Агар кўрса эди Юсуф малоҳатлиғ жамолингни,
Дер эрди сидқ ила: “Рухсори тобонингға салламно”.

Лабинг ширин такаллумдин ўлукни тиргизиб айлар,
Суҳанвар тўти осо шаккаристонингға салламно.

Чу эҳсон нақдини сочдинг жаҳонға ганжи лутфингдин,
Бори халқ ўлди банданг нақди эҳсонингға салламно.

Риёу уҷб бирла бир сурук жоҳилни, эй зоҳид,
Мутиъу муҳлис этдинг, макру достонингға салламно.

Уриб дам ғайб сирридин ҳам эткунг даъвойи имон,
Бу янглиғ куфр бирла турған имонингға салламно.

Чекарсен, Оғаҳий, тун-кун ул ой жавру жафосини,
Бу қоттиғ меҳнат ичра чиқмаған жонингға салламно.

* * *

Ошиқ ўлдинг, эй кўнгул, жонинг керакмасму санга?
Ўтға кирдинг жисми урёнинг керакмасму санга?

Истабон ул юз тамошасини кўздин дамба-дам,
Қон тўқарсан чашми гирёнинг керакмасму санга?

Ҳардам эткунг орзу кофир кўзи наззорасин,
Қил ҳазарким нақди имонинг керакмасму санга?

Лутфунг этдинг хаста кўнглимдин дариг, эй шоҳи ҳусн,
Бу гадейи зори ҳайронинг керакмасму санга?

Ўзгаларга илтифотинг айладинг маҳсус, бу
Мустаҳиқ лутфу эҳсонинг керакмасму санга?

Сел ғамдин хонавайрон ўлдимۇ ёд этмадинг,
Айтким бу хонавайрининг керакмасму санга?

Огаҳий холин кўруб доим тағофил қилғосан,
Шоири донойи давронинг керакмасму санга?

* * *

Мушкин қошингнинг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина.

Қилғил томошо қомати, зебоси бирлан оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод устина.

Нозу адо-ю ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,
Вах, мунча офатму бўлур бир одамизод устина.

Ман хастага жон асрамоқ эмди эрур душворким,
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина.

Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому сахар,
Булбулдек айлар юз наво минг навъи фарёд устина.

Бошимга ёғгон ғам тоши мингдин бирича бўлмағай,
Гардун агар минг бесутун ёғдурса Фарҳод устина.

Эй шах, карам айлар чоғи тенг тут ямону яхшини —
Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод устина.

Не журъат ила Огаҳий очғай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зор ношод устина.

* * *

Манга зулм айлаб ул қотил аён оҳиста-оҳиста,
Чекиб тиғини айлар қасди жон оҳиста-оҳиста.

Жафоси зўридин икки кўзимдан оқди дарёлар —
Ки, қолғой остида онинг жаҳон оҳиста-оҳиста.

Улусга айлаган зулмин кўриб ондин ҳазар қилмай,
Келиб чекдим жафосин ман ёмон оҳиста-оҳиста.

Бўлур ҳажрида зиндон гар манинг манзилгаҳим бўлса,
Гулистон балки гулзори жунон оҳиста-оҳиста.

Тўла буржом тут лутф айлаб,эй соқийки, бу ғамдин
Қутулғойман ичиб ман нотагон оҳиста-оҳиста.

Вафо йўқ даҳр боғининг гулига берма қўнглунгни,
Бугун тонгда кетар, эй боғбон, оҳиста-оҳиста.

Эмас гардунда раъд овозиким ҳижрон туни ичра,
Эрур ул Оғаҳий чеккан фиғон оҳиста-оҳиста.

* * *

Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини қўринг,
Меҳри жамоли устида икки ҳилолини қўринг.

Икки ҳилолини қўруб қонмаса меҳрингиз агар,
Сафҳайи орази уза нуқтайи холини қўринг.

Нуқтайи холини қўруб сабр эта олмас эрсангиз,
Хусну жамоли боғида қадди ниҳолини қўринг.

Қадди ниҳолини қўруб қўнглунгиз этмаса қарор,
Жон қўзи бирла боқибон лаъли зилолини қўринг.

Лаъли зилолини қўруб жонингиз этса изтироб,
Чораи ҳолингиз учун шаҳд мақолини қўринг.

Шаҳд мақолини қўруб топмаса чора ҳолингиз,
Нуқтага лаб очар чоғи ғунжу далолини қўринг.

Ғунжу далолини қўруб истасангиз муроди дил,
Оғаҳийдек қучуб белин айши камолини қўринг.

* * *

Ваҳ,не балодур билмадим,эй дилрабо,қошу қўзинг —
Ким,бир назарда солди ўт жоним аро қошу қўзинг.

Олди қарору тоқатим оқ сийнаю нозик белинг,
Солди қаро тун бошима икки қаро қошу қўзинг.

Жонимға қўйди доғлар рашк ўтидин холи лабинг,
Қўнглумга еткурди туман дарду бало қошу қўзинг.

Ҳар юз ўликни тиргузур лаълинг аро ширин сўзинг,
Ҳам минг тирикни ўлтурур айлаб жафо қошу қўзинг.

Қошу кўзинг бедодидин дод айласам эрмас ажаб —
Ким, не жафолар қилмади охир манго қошу кўзинг.

Ҳусн аҳли шоҳисен бори ошиқларинг ўлтурғали,
Гўёки жаллоди қилич бўлмиш санго қошу кўзинг.

Ман зори ҳайронинг нечук девона бўлмай, эй пари,
Ким, ақлу ҳушим айлади мендан жудо қошу кўзинг.

Йўқтур манга ишқинг аро юрмоқ тирик имкониким,
Жонимни ё қадди юзунг олғуси, ё қошу кўзинг.

Қошу кўзинг иймисидин бўлди қиёмат ошкор,
Қўёки олам офати қилмиш худо қошу кўзинг.

Эл қатилини қасд айлабон мастона қилғач бир назар,
Солди жаҳонга нолаи ва ҳасрато қошу кўзинг.

Айлай ҳаётим нақдини ҳар дам нисору садқаси,
Ёшурмағил ман зоридин айлаб ҳаё қошу кўзинг.

Мажлис фазосида усул этган чоғи раққос ўлуб,
Бир ғамзада юз жон олур, эй махлиқо, қошу кўзинг.

Ширин лабингдан Огаҳий жисмиға жон берким, они
Ўлтурди бир имо қилиб бокқач қиё қошу кўзинг.

* * *

Дарди дилим анго дедим, дема они манго деди,
Ким манга ошиқ ўлса ул лозим эрур анго деди.

Юз уза икки наргисинг ваҳ, не бало қаро дедим,
Кўнглунгу жонинг олғувчи икки қаро бало деди.

Лабларинг оғзума етур жон топайин анго дедим.
Лаъли табассум айлабон йўқму ўлим санго деди.

Ҳуснингга айлайин назар ман сори бир қара дедим,
Ёшурибон юзин кет, эй масхара, беҳаё деди.

Бўса лаби савоб учун айла манга ато дедим,
Қошу қапоғини читиб қўй бу сўзинг хато дедим.

Ваҳ, недин эркон этмогунг ҳеч вафо манго дедим,
Зохир ўлубдурур қачон ҳусн элидин вафо деди.

Хаста кўнгулга қилғосан мунча недин жафо дедим,
Дема жафо ани сенинг дардингадур даво деди.

Огаҳий комини недин айламагунг раво дедим,
Ким топарму жонни ул қилмоғуча фидо деди.

* * *

Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,
Оҳима ҳеч шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳардам улусға лутф ила боқғуси қаҳр ила, вале
Ман сори бир назора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ишқ эли кўнгли дардиға чора қилур, вале менинг
Дарди дилимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳажрида заъфим ўйлаким, оҳи ҳазиним ўтиға,
Шуъла била шарора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Жон лабидин чу бермади жисмима, ваҳки қошидин
Қатлима бир ишора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Кўйига борсам этгуси васлиға ваъда, ул доғи
Бўлғуси бора-бора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Толейи равшан ўзганинг лутфи қуёши нуридин,
Мен киби бахти қора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Бўлди ситораси исиқ хулқға меҳр ёр карам,
Манда исиг ситора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Дедим ўлубтур Огаҳий ашки канорасиз, деди:
Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

* * *

Ваҳки, мандин ёшурун ёр ўзгаларга ёр экан,
Кечалар хилвар аро базми ниҳони бор экан.

Хотиримни зоҳиран юз ваъдадан хушнуд этиб,
Ботинан кўнгли ҳамиша мойили ағёр экан.

Ошкоро тил учи бирла бўлиб мойил манга,
Конгли майли ўзга элга ёшурун бисёр экан.

Дев сийрат муддаийлар сори рағбат кўргузуб,
Мен ҳазину бедилу бечорадин безор экан.

Ҳар кеча ишрат майин нўш айлабон авбош ила,
Тонггача масти шароби соғари саршор экан.

Чун ниҳон ағёр ила базм этмиш ул султони ҳусн,
Фаҳм қилдимким,анга ман хаста қулдин ор экан.

Кўнгли сандин ўзгаларға роғиб ўлмиш,э й кўнгул,
Умрлар ишқида меҳнат чекканинг бекор экан.

Ошиқиким топса ҳосид гар онинг ёриға қурб,
Бу жаҳон ичра тирик юрмак анга душвор экан.

Ёр топмишлар рақибу муддаийлар олида,
Огаҳий,эмди санга ул кўй аро не бор экан.

АЛИШЕР НАВОЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС



Фалакким яхшилар базмида қадримни баланд этмас,
Дами йўқким ямонлар мажмаида мустаманд этмас,
Бу ҳасратдин кўзим ашки йўлин бир лаҳза банд этмас,
Мани ман истаган ўз суҳбатида аржуманд этмас,
Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Фиғонким даҳру дун ичра рафиқи топмадим огаҳ,
Қаён борсам бўлурлар ғулвашлар ҳамдаму ҳамрах,
Тиларлар баҳра мандин, мен тилаб топман биридин, ваҳ,
На баҳра,топғоман ондинки мандин истагай баҳра,
Ўзи ҳам баҳраманд ўлмас,мани ҳам баҳраманд этмас.

Кўзи заҳри эса ҳар нечаким мойил мамотимға,
Лаби шаҳди эди роғиб ўлимдин ҳам нажотимға,
Бу дам восил иймон ул қотили Исо сифотимға,
Нетой ҳуру пари базминки қатлим ё ҳаётимға,
Аён ул заҳр чашм айлаб ниҳон бу нўш ханд этмас.

Чиқо олмай кўнгул хайрондур усру шому фурқатдин,
Тўкар ашкини кўз ҳам интизори субҳ васлатдин,
Иложи бўлмаса ул маҳваши хуршид талъатдин,
Керакмас ой ила кун шакликим ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок-чок этмас,танам бу банд-банд этмас.

Бугун чобаклар ичра йўқ эди ул шахсуворимким,
Бирини қилмади манзур чашми ашкборимким,
Ғубор осо нетонг гар қолмаса сабру қароримким,
Керак ўз чобаку қотилвашу мажнун шиоримким,
Бузуқ кўнглимдин ўзга ерда жавлон саманд этмас.

Савод зулфини кўргач юмар Огаҳий тун деб кўз,
Юзиға нозир ўлғоч ҳам тутар кўл бирла кун деб кўз,
Кўнгул, ҳайратға қолма кўрмас они не учун кўз,
Ул ой ўтлуғ юзин очса Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра писанд этмас.

РУБОИЙЛАР



1

Зарра учубон наййири аъзам бўлмас,
Ер болиш этиб авжи фалак ҳам бўлмас,
Инсон аро нодонни билинг ҳайвондур,
Ҳайвон неча зўр айлса одам бўлмас.

2

Ваҳким, яна зулмини аён этти фалак,
Бағримни ҳажр аро қон этти фалак,
Кўз йўлидин ул қонни равон этти фалак,
Охир манга кўрки қасди этти фалак.

3

Қилмоқ била парвариш тикон гул бўлмас,
Ҳам тарбият ила зоғ булбул бўлмас,
Гар асли ямонға яхшилиқ минг қилсанг,
Яхшилиқ онинг нияти билкул бўлмас.

4

То тушти фироқ ўтиға бемор кўнгул,
Юз дарду ғаму аламға дучор кўнгул,
Даврон ситами тиғидин афгор кўнгул,
Бўлмиш мандин малулу безор кўнгул.

ТУЮҚЛАР



1

Ғам юки то қоматим ё қилмади,
Оҳим ўтиға фалак ёқилмади,
Қилмади раҳми манга, худ ўзгага,
Билмадимким қилдиму ё қилмади.

2

Дўстлар, ҳамроҳлиғ айлаб борингиз,
Тунд хў ёрим қошиға борингиз,
Бир кеча базмимға келтурмоқ учун
Бош оёқиға қўюб ёлборингиз.

3

Дард захри солди чинлар қошима,
Келмади ҳолим сўрарға қошима,
Ғам юкин чекмакда, эй дил, чобак ўл,
Ҳаргиз ушбу ишда бошинг қошима.

4

Чехрасининг гарчи муҳрақ нори бор,
Бергуси доим ниҳоли нори бор,
Сигмоғун базмим аро, эй муддаий,
Телмуриб турма бу ерда, нори бор.



Ogahiy (taxallusi; to'liq ism-sharifi Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li)

(1809.17.12, Xiva yaqinidagi Qiyot qishlog'i — 1874.14.12) — shoir, tarixchi, tarjimon. Mirob oilasida tug'ilgan. Xiva madrasalarida tahsil ko'rgan. Arab, fors, turk tillarini puxta egallagan. Xorazmning mashhur shoir va olimlari, adabiyot muxlislarining suhbatlarida ishtirok etgan. Sharq klassiklari asarlari, ayniqsa, Navoiy ijodini qunt bilan o'rgangan. 1829 yilda amakisi va ustoz Munis vafot etgach, Xiva xoni Olloqulixon (1825—42) Ogahiyning o'rniga mirob etib tayinlagan. Shu davrdan e'tiboran Ogahiy xalq hayoti va saroy ishlari bilan shug'ullangan. Qizg'in ijtimoiy-siyosiy mehnat bilan mashg'ul bir paytda otdan yiqilib, oyog'i «shakarlang» (shol) bo'lib qolgan (1845). 1857 yildan miroblik vazifasidan iste'fo bergan. Umrining oxirigacha moddiy muhtoj, g'amgin, kasalmam ahvolda kun kechirgan.

Ogahiy xalq orasida ko'proq lirik shoir sifatida mashhur. Umrining oxirgi yillarida tuzgan lirik kulliyoti — «Ta'viz ul-oshiqin» («Oshiqlar tumori», 1872) bizgacha to'la yetib kelgan. Devon an'anaviy tartibda tuzilgan, 470 g'azal, 3 mustazod, 89 muxammas, 5 musaddas, 2 murabba, 4 musamman, 4 tarje'band, 7 qit'a, 80 ruboiy, 10 tuyuq, 1 mulamma, 4 chiston, 2 muammo, 4 masnaviy, 1 bahri taviil, 1 munojot, 1 oshiq va ma'shuq savol-javobi, 20 ta'rix, 19 qasida — jami 18000 misradan iborat. Devonga «Ash'ori forsiy» nomi bilan Ogahiyning fors tilidagi 1300 misra she'ri ham kiritilgan. Devondagi asarlar mazmun-mundarijasi markazida ishq mavzui turadi.

Ogahiy «Riyozi ud-davla» («Saltanat bog'lari», 1844), «Zubdat ut-tavorix» («Tarixlar qaymog'i», 1845—46), «Jome' ul-voqeoti sultoni» («Sultonlik voqealarini jamlovchi», 1857), «Gulshani davlat» («Davlat gulshani», 1865), «Shohidi iqbol» («Iqbol guvohi», 1872) va boshqa tarixiy asarlarida Olloqulixon, Rahimqulixon (1843—46), Muhammad Aminxon (1846 — 55), Sayid Muhammadxon (1856—64), Muhammad Rahim II (1864—1910) hukmronligi davrida Xorazmda yashagan o'zbek, turkman, qoraqalpoq, qozoq xalqlarining tarixi, madaniy va ijtimoiy hayoti, Xiva xonligining boshqa

xonliklar bilan munosabati va boshqa tarixiy voqealar aks etgan.

Ogahiy «Ravzat us-safo» (Mirxond), «Tarixi jahonkushoyi Nodiriy» (Muhammad Maxdiy Astrobodiy), «Badoe' ul-vaqoe'» (Z. Vosifiy), «Miftoh ut-tolibin» (Mahmud binni Shayx Ali G'ijduvoni), «Tabaqoti Akbarshohiy» (Muhammad Muqim Hirotiy), «Tazkirai Muqimxoniy» (Muhammad Yusuf Munshiy), «Ravzat us-safoyi Nosiriy» (Rizoqulixon Hidoyat), «Axloqi Muhsiniy» (Koshifiy), «Qobusnoma», «Zubdat ul-hikoyot», «Sharhi daloil ul-hayrat» (Muhammad Voris), «Guliston» (Sa'diy), «Yusuf va Zulayho» (Jomiy), «Shoh va gado» (Hiloliy), «Haft paykar» (Nizomiy) va boshqa tarixiy-badiiy asarlarni fors tilidan o'zbekchaga tarjima qilgan. Ogahiy «Haft paykar»ni nasriy yo'l bilan, «Guliston»ni qisqartirib, keng kitobxonlarga tushunarli qilib tarjima etgan. «Yusuf va Zulayho» hamda «Shoh va gado» dostonlarini esa baytma-bayt tarjima qilib (kirish qismidan tashqari), aniq ijodiy tarjima namunasini yaratgan. «Miftoh ut-tolibin» (inv. ?8473), «Ravzat us-safoyi Nosiriy» (D-125), «Tabaqoti Akbarshohiy» (TNS—106), «Tazkirai Muqimxoniy» (TNS—105), «Firdavs ul-iqbol» (S—571), «Shohidi iqbol» (S—572), «Yusuf va Zulayho» (TNS—117), «Ta'viz ul-oshiqin» asarlarining qo'lyozma nusxalari Toshkent, Dushanba va Sankt-Peterburgda saqlanadi. «Zafarnoma» (Ali Yazdiy), «Bahoriston», «Salomon va Ibsol» (Jomiy), «Hasht behisht» (Xusrav Dehlaviy) asarlarining Ogahiy tarjimasi hanuzgacha topilmagan.

«Ta'viz ul-oshiqin» Xivada toshbosmada nashr etilgan (1905—09). O'zbekistonda ko'chalar, maktablar, Xorazm viloyati musiqali drama va komediya teatri, istirohat bog'i va boshqa muassasalarga Ogahiy nomi berilgan. Qiyot qishlog'ida Ogahiy bog'i tashkil etilib, shoirning uy-muzeyi ochilgan; muzey oldida Ogahiyga haykal o'rnatilgan (Nusrat Jumaev ma'lumoti).



Muhammad Rizo Ogahiy **G'AZALLAR, MUXAMMASLAR, RUBOIYLAR, TUYUQLAR**

G'AZALLAR



Bu oqshom mahvashim ruxsori oy birla taloshibdur,
Emas anjum falak ahli ochib ko'zlar qaroshibdur.

Bir uchqundur quyosh ul mahliqo ruxsori o'tidin,
Shafaq ermas, falak domonig'a ul o't tutoshibdur.

Dema tun zulmati xurshid ruxsori nihon etmish,
Ul oyning ishq savdosi oning boshidin oshibdur.

Falak mehri bulutdin yuzga chekmish pardai mushkin,
Magar boqib quyoshim yuziga ko'zi qamoshibdur.

Yuzida chinmudur har sori tushkan sovuq ohimdin,
Bu sarsar birla, yo'q ersa g'azab daryosi toshibdur.

Sochi savdosida gar yetmasam la'lig'a tong ermas –
Ki, bu zulmat ichida necha Iskandar adoshibdur.

Yuziga surtubon g'oza, chekibdur qoshig'a vo'sma,
Bu zinatlar onga, vah, ne balo usru yaroshibdur.

Ko'ngul bo'l voqif ul payvasta qoshlar hayatidinkim,
Ikov bir-birga qatlingda egib boshi kengoshibdur.

Necha ko'b desa hazyon, Ogahiy, har kecha tong yo'qkim,
Ul oy savdosi fikri birla oning aqli choshibdur.

Olur har lahza jon chashmi fatoningg'a sallamno,
To'kar har damda ming qon tig'i mujgoningg'a sallamno.

Jahon bozorida sindurdi yoqutu guhar qadrini,
Durafshon nuqta birla la'li xandoningg'a sallamno.

Asir aylab kamandig'a parishon ko'nglum etdi jam',
Musalsal halqai zulfi parishoningg'a sallamno.

Yuzingdin zarracha partav yetishkach tiyra kulbamg'a,
Yorutdi hajr shomin mehr raxshoningg'a sallamno.

Sihi qadlarni qumri yanglig' etdi ishqida nolon,
Nazokat bog'ida sarvi xiromoningg'a sallamno.

Agar ko'rsa edi Yusuf malohatlig' jamolingni,
Der erdi sidq ila: "Ruxsori toboningg'a sallamno".

Labing shirin takallumdin o'lukni tirgizib aylar,
Suxanvar to'ti oso shakkaristoningg'a sallamno.

Chu ehson naqdini sochding jahong'a ganji lutfingdin,
Bori xalq o'ldi bandang naqdi ehsoningg'a sallamno.

Riyou ujb birla bir suruk johilni, ey zohid,
Muti'u muxlis etding, makru dostoningg'a sallamno.

Urrib dam g'ayb sirridin ham etkung da'voyi imon,
Bu yanglig' kufr birla turg'an imoningg'a sallamno.

Chekarsen, Ogahiy, tun-kun ul oy javru jafosini,
Bu qottig' mehnat ichra chiqmag'an joningg'a sallamno.

* * *

Oshiq o'lding, ey ko'ngul, joning kerakmasmu sanga?
O'tg'a kirding jismi uryoning kerakmasmu sanga?

Istabon ul yuz tamoshasini ko'zdin damba-dam,
Qon to'karsan chashmi giryoning kerakmasmu sanga?

Hardam etkung orzu kofir ko'zi nazzorasin,
Qil hazarkim naqdi imoning kerakmasmu sanga?

Lutfung etding xasta ko'nglimdin darig', ey shohi husn,
Bu gadoyi zori hayroning kerakmasmu sanga?

O'zgalarga iltifoting aylading maxsus, bu
Mustahiq lutfu ehsoning kerakmasmu sanga?

Sel g'amdin xonavayron o'ldimu yod etmading,
Aytkim bu xonavayrining kerakmasmu sanga?

Ogahiy holin ko'rub doim tag'ofil qilg'osan,
Shoiri donoyi davroning kerakmasmu sanga?

* * *

Mushkin qoshingning hay'ati ul chashmi jallod ustina,
Qatlim uchun nas keltirur nun eltibon sod ustina.

Qilg'il tomosho qomati, zebosi birlan orazin,
Gar ko'rmasang gul bo'lg'onin payvand shamshod ustina.

Nozu ado-yu g'amzasi qasdim qilurlar dam-badam,
Vah, muncha ofatmu bo'lur bir odamizod ustina.

Man xastag'a jon asramoq emdi erur dushvorkim,
Qotil ko'zi bedod etar har lahza bedod ustina.

Ul gul yuzi shavqi bila shaydo ko'ngul shomu sahar,
Bulbuldek aylar yuz navo ming nav'i faryod ustina.

Boshimg'a yog'g'on g'am toshi mingdin biricha bo'lmag'ay,
Gardun agar ming besutun yog'dursa Farhod ustina.

Ey shah, karam aylar chog'i teng tut yamonu yaxshini —
Kim, mehr nuri teng tushar vayronu obod ustina.

Xoki taning barbod o'lur oxir jahonda necha yil,
Sayr et Sulaymondek agar taxting qurub bod ustina.

Ne jur'at ila Ogahiy ochg'ay og'iz so'z dergakim,
Yuz xayli g'am qilmish hujum ul zor noshod ustina.

* * *

Manga zulm aylab ul qotil ayon ohista-ohista,
Chekib tig'ini aylar qasdi jon ohista-ohista.

Jafosi zo'ridin ikki ko'zimdan oqdi daryolar —
Ki, qolg'oy ostida oning jahon ohista-ohista.

Ulusga aylagan zulmin ko'rib ondin hazar qilmay,
Kelib chekdim jafosin man yomon ohista-ohista.

Bo'lur hajrida zindon gar maning manzilgahim bo'lsa,
Guliston balki gulzori junon ohista-ohista.

To'la burjom tut lutf aylab, ey soqiyki, bu g'amdin
Qutulg'oyman ichib man notavon ohista-ohista.

Vafo yo'q dahr bog'ining guliga berma ko'nglungni,
Bugun tongda ketar, ey bog'bon, ohista-ohista.

Emas gardunda ra'd ovozikim hijron tuni ichra,
Erur ul Ogahiy chekkan fig'on ohista-ohista.

* * *

Ul yuzi gul nigorning mehri jamolini ko'ring,
Mehri jamoli ustida ikki hilolini ko'ring.

Ikki hilolini ko'rub qonmasa mehringiz agar,
Safhayi orazi uza nuqtayi xolini ko'ring.

Nuqtayi xolini ko'rub sabr eta olmas ersangiz,
Husnu jamoli bog'ida qaddi niholini ko'ring.

Qaddi niholini ko'rub ko'nglungiz etmasa qaror,
Jon ko'zi birla boqibon la'li zilolini ko'ring.

La'li zilolini ko'rub joningiz etsa iztirob,
Chorai holingiz uchun shahd maqolini ko'ring.

Shahd maqolini ko'rub topmasa chora holingiz,
Nuktaga lab ochar chog'i g'unju dalolini ko'ring.

G'unju dalolini ko'rub istasangiz murodi dil,
Ogahiydek quchub belin ayshi kamolini ko'ring.

* * *

Vah,ne balodur bilmadim,ey dilrabo,qoshu ko'zing —
Kim,bir nazarda soldi o't jonim aro qoshu ko'zing.

Oldi qaroru toqatim oq siynayu nozik beling,
Soldi qaro tun boshima ikki qaro qoshu ko'zing.

Jonimg'a qo'ydi dog'lar rashk o'tidin xoli labing,
Ko'nglumga yetkurdi tuman dardu balo qoshu ko'zing.

Har yuz o'likni tirguzur la'ling aro shirin so'zing,
Ham ming tirikni o'lturur aylab jafo qoshu ko'zing.

Qoshu ko'zing bedodidin dod aylasam ermas ajab —
Kim,ne jafolar qilmadi oxir mango qoshu ko'zing.

Husn ahli shohisen bori oshiqlaring o'lturgali,
Go'yoki jallodi qilich bo'lmish sango qoshu ko'zing.

Man zori hayroning nechuk devona bo'lmay, ey pari,
Kim, aqlu hushim ayladi mendan judo qoshu ko'zing.

Yo'qtur manga ishqing aro yurmoq tirik imkonikim,
Jonimni yo qaddi yuzung olg'usi,yo qoshu ko'zing.

Qoshu ko'zing iymisidin bo'ldi qiyomat oshkor,
Qo'yoki olam ofati qilmish xudo qoshu ko'zing.

El qatilini qasd aylabon mastona qilg'ach bir nazar,
Soldi jahonga nolai va hasrato qoshu ko'zing.

Aylay hayotim naqdini har dam nisoru sadqasi,
Yoshurmag'il man zoridin aylab hayo qoshu ko'zing.

Majlis fazosida usul etgan chog'i raqqos o'lub,
Bir g'amzada yuz jon olur,ey maxliqo, qoshu ko'zing.

Shirin labingdan Ogahiy jismig'a jon berkim, oni
O'lturdi bir imo qilib boqqach qiyo qoshu ko'zing.

* * *

Dardi dilim ango dedim, dema oni mango dedi,
Kim manga oshiq o'lsa ul lozim erur ango dedi.

Yuz uza ikki nargising vah, ne balo qaro dedim,
Ko'nglungu joning olg'uvchi ikki qaro balo dedi.

Lablaring og'zuma yetur jon topayin ango dedim.
La'li tabassum aylabon yo'qmu o'lim sango dedi.

Husningga aylayin nazar man sori bir qara dedim,
Yoshuribon yuzin ket, ey masxara, behayo dedi.

Bo'sa labi savob uchun ayla manga ato dedim,
Qoshu qapog'ini chitib qo'y bu so'zing xato dedim.

Vah, nedin erkon etmogung hech vafo mango dedim,
Zohir o'lubdurur qachon husn elidin vafo dedi.

Xasta ko'ngulga qilg'osan muncha nedin jafo dedim,
Dema jafo ani sening dardingadur davo dedi.

Ogahiy komini nedin aylamagung ravo dedim,
Kim toparmu jonni ul qilmog'ucha fido dedi.

* * *

Ashkima gar kanora yo'q, bo'lmasa bo'lmasun, netay,
Ohima hech shumora yo'q, bo'lmasa bo'lmasun, netay.

Hardam ulusg'a lutf ila boqg'usi qahr ila, vale
Man sori bir nazora yo'q, bo'lmasa bo'lmasun, netay.

Ishq eli ko'ngli dardig'a chora qilur, vale mening
Dardi dilimga chora yo'q, bo'lmasa bo'lmasun, netay.

Hajrida za'fim o'ylakim, ohi hazinim o'tig'a,
Shu'la bila sharora yo'q, bo'lmasa bo'lmasun, netay.

Jon labidin chu bermadi jismima, vahki qoshidin
Qatlima bir ishora yo'q, bo'lmasa bo'lmasun, netay.

Ko'yiga borsam etgusi vaslig'a va'da, ul dog'i
Bo'lg'usi bora-bora yo'q, bo'lmasa bo'lmasun, netay.

Toleyi ravshan o'zganing lutfi quyoshi nuridin,
Men kibi baxti qora yo'q, bo'lmasa bo'lmasun, netay.

Bo'ldi sitorasi isiq' xulqg'a mehr yor karam,
Manda isig' sitora yo'q, bo'lmasa bo'lmasun, netay.

Dedim o'lubtur Ogahiy ashki kanorasiz, dedi:
Ashkima gar kanora yo'q, bo'lmasa bo'lmasun, netay.

* * *

Vahki, mandin yoshurin yor o'zgalarga yor ekan,
Kechalar xilvar aro bazmi nihoni bor ekan.

Xotirimni zohiran yuz va'dadan xushnud etib,
Botinan ko'ngli hamisha moyili ag'yor ekan.

Oshkoro til uchi birla bo'lib moyil manga,
Kongli mayli o'zga elga yoshurun bisyor ekan.

Dev siyrat muddaiylar sori rag'bat ko'rguzub,
Men hazinu bedilu bechoradin bezor ekan.

Har kecha ishrat mayin no'sh aylabon avbosh ila,
Tongg'acha masti sharobi sog'ari sarshor ekan.

Chun nihon ag'yor ila bazm etmish ul sultoni husn,
Fahm qildimkim, anga man xasta quldin or ekan.

Ko'ngli sandin o'zgalarg'a rog'ib o'lmish, e y ko'ngul,
Umlar ishqida mehnat chekkaning bekor ekan.

Oshiqikim topsa hosid gar oning yorig'a qurb,
Bu jahon ichra tirik yurmak anga dushvor ekan.

Yor topmishlar raqibu muddayilar olida,
Ogahiy, emdi sanga ul ko'y aro ne bor ekan.

ALISHER NAVOIY G'AZALIGA MUXAMMAS



Falakkim yaxshilar bazmida qadrimni baland etmas,
Dami yo'qkim yamonlar majmaida mustamand etmas,
Bu hasratdin ko'zim ashki yo'lin bir lahza band etmas,

Mani man istagan o'z suhbatida arjumand etmas,
Mani istar kishining suhbatin ko'nglum pisand etmas.

Fig'onkim dahru dun ichra rafiqi topmadim ogah,
Qayon borsam bo'lurlar g'ulvashlar hamdamu hamrah,
Tilarlar bahra mandin, men tilab topman biridin, vah,
Na bahra, topg'oman ondinki mandin istagay bahra,
O'zi ham bahramand o'lmas, mani ham bahramand etmas.

Ko'zi zahri esa har nechakim moyil mamotimg'a,
Labi shahdi edi rog'ib o'limdin ham najotimg'a,
Bu dam vosil iymon ul qotili Iso sifotimg'a,
Netoy huru pari bazminki qatlim yo hayotimg'a,
Ayon ul zahr chashm aylab nihon bu no'sh xand etmas.

Chiqo olmay ko'ngul hayrondur usru shomu furqatdin,
To'kar ashkini ko'z ham intizori subh vaslatdin,
Iloji bo'lmasa ul mahvashi xurshid tal'atdin,
Kerakmas oy ila kun shaklikim husnu malohatdin,
Ichim ul chok-chok etmas, tanim bu band-band etmas.

Bugun chobaklar ichra yo'q edi ul shahsuvorimkim,
Birini qilmadi manzur chashmi ashkborimkim,
G'ubor oso netong gar qolmasa sabru qarorimkim,
Kerak o'z chobaku qotilvashu majnun shiorimkim,
Buzuq ko'nglimdin o'zga yerda javlon samand etmas.

Savod zulfini ko'rgach yumar Ogahiy tun deb ko'z,
Yuzig'a nozir o'lg'och ham tutar qo'l birla kun deb ko'z,
Ko'ngul, hayratg'a qolma ko'rmas oni ne uchun ko'z,
Ul oy o'tlug' yuzin ochsa Navoiy tegmasun deb ko'z,
Muhabbat tuxmidin o'zga ul o't uzra pisand etmas.

RUBOIYLAR



1

Zarra uchubon nayyiri a'zam bo'lmas,
Yer bolish etib avji falak ham bo'lmas,
Inson aro nodonni biling hayvondur,
Hayvon necha zo'r aylsa odam bo'lmas.

2

Vahkim, yana zulmini ayon etti falak,
Bag'rimni hajr aro qon etti falak,
Ko'z yo'lidin ul qonni ravon etti falak,
Oxir manga ko'rki qasdi etti falak.

3

Qilmoq bila parvarish tikon gul bo'lmas,
Ham tarbiyat ila zog' bulbul bo'lmas,
Gar asli yamong'a yaxshiliq ming qilsang,
Yaxshiliq oning niyati bilkul bo'lmas.

4

To tushti firoq o'tig'a bemor ko'ngul,
Yuz dardu g'amu alamg'a duchor ko'ngul,
Davron sitami tig'idin afgor ko'ngul,
Bo'lmish mandin malulu bezor ko'ngul.

TUYUQLAR



1

G'am yuki to qomatim yo qilmadi,
Ohim o'tig'a falak yoqilmadi,
Qilmadi rahmi manga,xud o'zgaga,
Bilmadimkim qildimu yo qilmadi.

2

Do'stlar, hamrohlig' aylab boringiz,
Tund xo' yorim qoshig'a boringiz,
Bir kecha bazmimg'a kelturmoq uchun
Bosh oyoqig'a qo'yub yolboringiz.

3

Dard zahri soldi chinlar qoshima,
Kelmadi holim so'rarg'a qoshima,
G'am yukin chekmakda, ey dil,chobak o'l,
Hargiz ushbu ishda boshing qoshima.

4

Chehrasining garchi muhraq nori bor,
Bergusi doim niholi nori bor,
Sig'mog'un bazmim aro, ey muddaiy,
Telmurib turma bu yerda,nori bor.